

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

4-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ
СТАТИСТИК КЛАССИФИКАТОРЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТЛАР
ТАҚДИМ ЭТИШ

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Статистик классификаторлар бўйича ахборотлар тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижалари

Статистик классификаторлар бўйича ахборотлар олиш.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Манфаатдор давлат органлари, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига мурожаат қилинганда – кечаю кундуз.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Ўрнатилмаган.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Статистик классификаторлар бўйича ахборотлар тақдим этиш.

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

Статистик классификаторлар тўғрисида ахборотлар Давлат статистика қўмитаси www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Статистик классификациялар” қисмида жойлаштирилган.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма хужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма хужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

2.5. Фойдаланиладиган хужжат бланклари (шакллар)

Ўрнатилган тартибда тасдиқланган жадвал намуналари.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;
Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Ўрнатилмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур хужжатлар

Талаб этилмайди.

4.2. Хизмат ҳақи

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Статистик классификаторлар тўғрисида ахборот олиш учун, www.stat.uz сайтига кириш лозим. Ўнг тарафдаги “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Статистик классификациялар” қисмини танлаш керак.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

1) Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси халқаро стандартларга мувофиқ классификаторларни ишлаб чиқади ва статистика амалиётига жорий этади.

2) Тасдиқланган классификаторлар Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида жойлаштирилади.

4.5. Рад этиш асослари

Ўрнатилмаган.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.

Давлат хизматини кўрсатиш схемаси


Статистик классификаторлар бўйича ахборотлар тақдим этиш




	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи

Статистик классификаторлар бўйича ахборотлар тақдим этиш



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
↓	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.